

Тошкент жанубий вокзали. Соат миллари 17:30 ни кўрсатмоқда. Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, масъул ходимлари, ҳукумат ва жамоат вакиллари, фахрийлар, таниқли шахслар, элимиз севган шоиру адиблар, санъаткорлар билан махсус поездда Сурхон воҳаси томон кетмоқдамиз.

Сафардан мақсад – Сарийосиё туманида бунёд этилган санаторийнинг очилиши маросимини ўтказиш эди. Умуман, Сурхондарёга сафар чоғи бизни кўп нарсалар ҳайратга солгани рост. Поездга чиқарканмиз, дастлабки ҳайратга дуч келдик. Ҳар бир вагон ўзгача дид билан безатилган. Йўлакларга тоза ва янги гиламлар ёзилиб, деразаларга пардалар илинган. Ҳатто кондиционер ҳам бинойидек ишлаб турибди. Ўриндиқлардаги матраслар яп-янги. Хуллас, поезддаги шарт-шароитларни таърифлашга тил ожиз.

2,3,4,5->>>



Халқаро ҳамкорлик

ОЗАРБАЙЖОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясида Озарбайжон касоба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Меҳбадиев бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов меҳмонларга сўнгги йилларда тизимда олиб борилаётган ишлар, янгилик ва ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

Озарбайжон касоба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Меҳбадиев ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболларига тўхталди. Соҳада ўзаро тажриба алмашиш бора-сидаги фикрларини баён этди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Ижроия кўмитасининг қарорига асосан кўп қардош халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, ҳар икки мамлакат касоба уюшмаларининг меҳнаткашлар манфаати йўлидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Озарбайжон касоба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Меҳбадиевга «Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси лауреати» фахрий унвони топширилди.

Маросимда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси ҳамда Озарбайжон касоба уюшмалари Конфедерацияси



ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Унда томонлар ўзаро тенглик ва ҳурмат принциплари асосида касоба уюшмалари аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш борасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни ҳамкорликнинг асосий йўналиши сифатида қайд этдилар.

Учрашувда ишчи делегацияларнинг мунтазам таширфларини ташкил этиш, ҳамкорликда долзарб мавзуларда

конференция, форум, семинар, симпозиумлар, давра суҳбатлари ўтказиш, МДХ ва бутун дунёда касоба уюшмалари ҳаракатини ҳамда нуфузли халқаро касоба уюшмалари ташкилотларида ҳар иккала томон манфаатларини ўзаро қўллаб-қувватлашга келишиб олинди.

Меҳмонлар шу кунги пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларига ҳам ташриф буюришди. Хусусан, Миробод туманидаги Ҳайдар Алиев монументи пойига гулчамбар қўйишди.

«Янги Ўзбекистон боғи» билан танишув ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг улар Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолияти билан танишдилар. Академия ректори Сайфулла Аҳмедов мазкур таълим муассасаси, у ерда яратилган шароит ва мавжуд йўналишлар ҳақида гапириб берди.

Тадбир давомида Саттор Меҳбадиевга Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг фахрий профессори унвони берилди.

Касоба уюшмалари саройи билан танишув чоғида меҳмонлар санъатимиз асосчилари ва маданиятимиз даргалари, уларнинг босиб ўтган йўли ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Озарбайжон касоба уюшмалари делегациясининг мамлакатимизга ташири давом этмоқда.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Сайдқабар АБДУРАҲИМОВ олган суратлар.

ТОҒЛАРГА БЎЙЛАШГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ, СЕНАТОР ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ «САНГАРДАК» САНАТОРИЙСИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз сурхондарёлик дўстлар!
Қадрли меҳмонлар!
Хурматли тадбир иштирокчилари!

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонланаётган кувончли кунларда кўришиб турганимиздан беҳад хурсандимиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун, Сиз азизлар билан биргаликда, яна бир тарихий воқеанинг гувоҳига айланяпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни қаршингиздаги, юртимизнинг энг баланд нуқталаридан бири бўлган Ҳисор тоғ тизмалари чўққиларига бўйлашиб турган янги муҳташам иншоот – «Сангардак» санаторийсига қаратмоқчиман.

Агар бундан олти-етти йил олдин олис бир тоғ қишлоғида, одам оёғи етиши қийин бўлган, мана шундай қоялар ёнбағрида жаҳон андазаларига мос замонавий санаторий қурилади дейилса, бу гапга ҳеч ким ишонмасди.

Аммо миллатпарвар Президентимизнинг ўз халқига бўлган чексиз меҳру муҳаббати бу афсонани, бугун барчамиз кўриб турганимиздек, чин ҳақиқатга айлантирди.

Азиз дўстлар!

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу муҳташам кошона, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сиз, азму шижоати баланд Сурхондарё вилояти аҳлига, қолаверса, бутун Ўзбекистон меҳнаткашларига муносиб байрам совғаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Эътиборли жиҳати, сўнгги 7 йил давомида юртимиз сардори Сурхондарё вилоятига 9 маротаба ташриф буюриб, Сиз азизлар билан учрашдилар, бу ердаги нуронийлар, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан самимий ва очиқ мулоқот қилдилар.

Ҳар бир ташрифлари натижасида ажиб ўзгаришлар рўй берганини, бунёдкорликлар амалга ошганини бутун халқимиз кўриб турибди.

Ушбу кошонанинг тарихи ҳам айнан Юртбошимиз фаолияти ва ташаббуслари билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари 2019 йили Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-



дерациясига Сариосиё туманидаги денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган, деярли 150 метр юқоридан оқиб тушувчи, «Марказий Осиё Ниагара»си номини олган «Сангардак» шаршараси яқинида, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган, замонавий санаторий қуриш юзасидан топириқ берган эди. Мазкур ҳудуднинг гўзал табиати, шифобахш ҳавоси ва суви одамлар яйраб дам олиши, соғлиғини тиклаши учун жуда мос эканини кўп бор таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Сангардак шаршарасининг суви баланд қоялар орасидан сизиб чиқади. Мутахассисларнинг ўрганишлари давомида бу зилол обиҳаёт инсон учун жуда кўп фойдали хусусиятларга эга экани илмий жиҳатдан яна бир бор ўз исботини топди.

Муҳтарам тадбир иштирокчилари!

«Сангардак» санаторийси куйидаги хусусиятларга эга: мажмуа 250 ўринга эга бўлган 8 қаватли бино, қабул ва даволаш бўлимлари, ошхона, сузиш ҳавзаси, туз ғори, турк ҳаммоми, конференц заллардан иборат бўлиб, тизимдаги санаторийлар ичида энг баланд ва кўп қаватли бино ҳисобланади.

Санаторий энг замонавий совитиш-иситиш тизими, сўнгги русумдаги тежамкор энергия таъминотига эга. Ушбу иншоотни барпо этишда энг замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилди.

Санаторийда йилига олти

ярим мингдан ортиқ фуқаро нафас олиш тизими ва юрак қон-томир касалликлари бўйича ўз саломатлигини тиклаш имконига эга бўлади.

Соғломлаштириш хизматларини юқори сифатда ташкил қилиш учун санаторий энг илғор тиббий-диагностик, бальнеологик, физио ва термотерапевтик жиҳозлар ҳамда жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган 27 турдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Барча тиббиёт ходимлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг етакчи санаторийларида амалиёт ўтаб, зарур тажриба ва кўникмаларга эга бўлдилар.

Ушбу санаторий ишга тушиши муносабати билан маҳаллий аҳоли орасидан 150 нафардан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.

Санаторийни қуриш ва уни энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни халқимизнинг эзгу мақсадларини ўзида муҳассам этган замонавий саломатлик маскани билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар!

Мазкур санаторий Президентимизнинг халқчил инсонпарвар ғояси – «Инсон қадри учун» тамойилининг яна бир

амалий ифодасидир!

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу сиҳатгоҳнинг бунёд этилишида ўзининг бегараз ёрдамларини аямаган Сурхондарё вилояти ҳамда Сариосиё тумани ҳокимликлари, «Ўзгидроэнерго» акциядорлик жамияти, вилоят ҳокимлигининг ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси, «Сурхондарёавтоўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, «Худудий электр тармоқлари» компаниясининг вилоят филиали, Ўрмон ҳўжалиги бошқармасига, санаторий қурилишида жонбозлик кўрсатган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Капитал қурилиш бошқармаси, «Касаба лойиҳа» ҳамда «Касаба қурилиш» корхоналари раҳбарлари ҳамда уларнинг аҳил жамоаларига чуқур миннатдорчилик билдиришга руҳсат этгайсизлар.

Хурматли тадбир иштирокчилари!

Президентимиз Мустақиллигимизнинг 32 йиллигига бағишланган байрамдаги нутқларида таъкидлаганидек, «Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!»

Ушбу муаззам иншоот ҳам айни ўша бирлигимиз, ҳам жиҳатлигимиз меваси ўлароқ, қад ростлаб турибди. Бу эса, биз бирлашсак, қўлни қўлга берсак, улкан мақсадларга етишга қодир эканимизни яна бир бор исботлаб турибди.

Гўзал Ватанимизнинг ушбу сўлим гўшасида қад ростлаган ушбу бетакрор маскан халқимизга муборак бўлсин!

Азиз дўстлар!

Келинг, бугун барчамиз шундай тарихий кунда эзгу ниятлар қилайлик:

«Сангардак» санаторийси юртдошларимизнинг сеvimли манзилига айлانسин, узоқ йиллар халқимиз саломатлиги, равнақи йўлида хизмат қилсин!

Она Ватанимиз тинчлигига ҳеч қачон кўз тегмасин!

Ватанимиз ва элимизнинг садоқатли ва фидойи ўғлони, эл-юрт фаровонлигини ўзининг ҳаёти мазмунига айлантирган буюк етакчимиз, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз бахтига доимо соғ-саломат бўлсинлар!

Жонажон юртимиз ва олижаноб халқимизни ёмон кўзлардан, турли синовлар ва бало-қазолардан Яратган ўз паноҳида асрасин!

Эътиборингиз учун раҳмат!



«САНГАРДАК»



<<< 1

Қизиқ, Ўзбекистон темир йўлларида мана шундай поездлар аввалдан бўлганми ёки энди-энди шу ҳолатга кел-яптими? Балки бу вагонлар биз учун махсус безатилгандир?

Йўлда бораётиб, вагон назоратчи-сига шу саволлар билан мурожаат қил-дик.

– Тўғри, бу поезд сизлар учун қайта жиҳозланган, аммо бу бошқалар учун бундай шароитга эга поездлар йўқ дегани эмас, – дейди Анвар Нафасов. – Бу-гун қарийб эллик физ поездларимиз мана шундай замонавий ҳолатга келти-рилди. Умуман, раҳбарият танқидлар-дан тўғри хулоса чиқаргани боис ҳозир соҳада изчил ислохотлар олиб борил-моқда. Натижасини эса, кўриб туриб-сиз.

Дарҳақиқат, ўтган йили поездда Хо-разм вилоятига борган эдик. Ушанда вагонларнинг абгор аҳолини ўз кўзи-миз билан кўргандик. Мана, орадан бир йил ўтиб, темир йўл соҳасида ҳам иж-обий ўзгаришлар рўй бера бошлабди.

Шинам ва озода вагон деразасидан ташқарини томоша қилиб кетишнинг ҳам ўзгача гаши бор экан. Паст-баланд уйлар гўёки ҳаётнинг синовли кунлари ҳақида сўзлаётгандек. Поезд эса беғу-борлик ва самимият билан кўл силкита-ётган болаларни ортда қолдириб, ши-тоб билан олға интилади...

Сўлим кузнинг нафаси дарахтлару ўт-ўланларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бободехқонлар машаққатли меҳнат билан етиштирган ҳосилни йғишти-риб олиш пайида. Хуллас, ҳамма бирор юмуш ёки ташиш билан банд.

Айниқса, поезд деразасидан ша-фақни қизил рангга буркаб, ботиб бо-раётган қуёшни кўриб, хаёлингиздан кўп фикрлар ўтади. Гўёки қуёш «Мен ўз вазифамни бажаряпман, инсон зоти ҳам вақтни ғанимат билиши, ҳаммаша ўз аҳдида собит қолиши, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб, ер юзини обод қилиши, гўзалликка буркаши ке-рак», деяётгандек туюлади кишига...

АЛПЛАР ЮРТИ – СУРХОНДАРЁ

Сурхондарё вилояти, Денов вок-зали. Соат эрталабки 8:20. Манзилга етиб келдик.

Тарихдан маълумки, Сурхон замини улугъ авлиёлар, алломалар юрти. Не-

ча-неча Термизийлар қолдириб кетган улугъ маънавият сарчашмаларидан бу-гун нафақат юртимиз, балки бутун жум-лаи жаҳон баҳраманд бўлмоқда, десак хато бўлмас.

Ғурур билан айтиш жоизки, Сур-хон диёридан кўплаб бахшилар, шоир ва ёзувчилар, олимлар ва спортчилар етишиб чиққан.

Темури тузуқларида баён этилишича, соҳибқирон бобокалонимиз қаерга борса, ўша юрт азизларини бошига кўтарган. Қай ўлкаларни истило қилма-син, ўша ернинг аҳли донишлари ва ав-лиёларини улугълаган.

Бунёдкорликлар меъмори ҳисоб-ланмиш давлатимиз раҳбари ҳам Ал-помишлар, Термизийлар юрти бўлган Сурхондарёга қайта-қайта ташриф бу-юриб, вилоятдаги таниб бўлмас дара-жадаги ўзгаришлар, янгиланишларга бош-қош бўлиб келмоқда. Ҳатто бу ди-ёрга бир йилнинг ўзида уч марталаб борган вақти ҳам бўлди. Бу, албатта, у кишининг Сурхон элига бўлган чексиз меҳри, ҳурмати туфайлидир. Негаки, Президентимиз ҳар галги ташрифи да-вомида вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бил-лан танишиб, аҳоли ва фаоллар билан учрашув ҳамда мулоқотлари чоғи шу элнинг нафақат бугуни, эртаси, балки узоқ тарихи билан ҳам қизқади, одам-ларни янада фаолликка, жонқуярликка ундайди.

Афсуски, узоқ йиллар давомида Сурхондарё эътибордан биров четда қолди. Гарчи бу заминда ҳам жуда катта имкониятлар, салоҳият бўлса-да, энг муҳими, мард, танти ва меҳнат-



каш одамлар яшаса-да, турли сабаблар рўқач қилиниб, йирик лойиҳалар ама-лийта татбиқ этилмади. Бугун эса бутун юртимизда бўлгани каби ушбу заминда ҳам улкан ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётганини ҳаммамиз кўриб-би-либ турибмиз. Куни кеча ана шундай ислохотларнинг давоми ўлароқ, Сур-хон воҳасидаги яна бир мўъжизанинг шоҳиди бўлдик.

«Сангардак» санаторийсининг очи-лиши маросимида иштирок этиш учун Денов вокзалига етиб келганларни мезбонлар мамнуният билан кутиб олишди.

Сўлим гўшалар, пахта далалари, пур-виқор тоғ тизмалари бўйлаб Сангардак қишлоғи томон ошиқар эканмиз, ўзаро суҳбатлашиб кетдик. Бир маҳал кимдир турли ғалаёну талатўплар, босқинлару истилолар пайтида Сурхондарёдан ҳеч қачон сотқин чиқмаганини айтиб қолди. Фаоллар мард ва жасур, шижо-атли ва танти инсонлар ватани бўлган

бу табаррук замин ҳар қанча эътибору қадр-қимматга муносиб эканини бот-бот такрорлашди. Орадан кўп ўтмай, янги барпо этилган «Сангардак» сана-торийсига етиб бордик.

ОЛМОСДЕК ЯРАҚЛАЁТГАН ИНШООТ

Тантанали маросим олдидан фахрийлар бино ҳовлисига дарахт кў-чатлари ўтқазишди. Сўнгра Қуръон ти-ловат қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-дерацияси раиси Қудратилла Рафиқов тадбирни тантанали равишда очиб бе-раркан, *мазкур қошона, нафақат азми шижоати баланд Сурхондарё аҳлига, балки бутун Ўзбекистон меҳнат-кашларига муносиб байрам совғаси бўлганини, қолаверса, Президентимиз-нинг халқчил инсонпарвар ғояси – «Ин-сон қадри учун» тамойилининг яна бир амалий ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлади.*

Шундан сўнг сўзга чиққанлар мам-лакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли муносиб турмуш ке-чириши, саломатлигини тиклаши ва мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар яратиш давлатимиз белги-лаб олган сиёсатнинг устувор йўналиш-



Дам олиш маскани Ўзбекистон ка-саба уюшмалари Федерацияси томо-нидан ташхислаш ва даволашга, са-ломатлиқни тиклашга ва турли касал-ликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи энг сўнгги русумдаги замо-навий тиббий асбоб-ускуналар, шу-нингдек, юқори сифатли қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозлан-ган. Дам олувчилар физиотерапия ва сув билан даволаш бўлимлари, шифо-бахш туз ғори, лаборатория, жисмо-ний тарбия, балчиқ ва парафин би-лан даволаш, гидроаэроионизация хоналари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, турк ҳаммоми хизматларидан фойдалани-шлари мумкин. Кутубхона, маданият саройи, теннис хоналари, мазали ва дармондориларга бой таомлар тайёр-ланадиган ошхона, болалар ўйингоҳи ҳам уларнинг хизматига шай.

Шу куннинг ўзида «Сангардак» сиҳатгоҳига эллик нафар меҳнат фахрийси дам олиш учун жойлашти-рилди. Улар орасида сурхондарёлик отахону онахонлар ҳам бор. Шулардан бири Алламурод Беков.

– Санаторийнинг илк дам олувчи-ларидан бири эканимдан хурсандман, – дейди отахон. – Қирқ йил ўқитувчи-лик қилдим. Меҳнатларим зое кетмади. Ҳар доим эъзоздаман. Ун нафар фарзан-дим бор. Ҳаммаси ўзидан тиниб-тинчи-ган. Худога шукур, хотиржам, яйраб-яш-наб, мана шундай давраларда қарилик

Илмий ўрганишлар натижасида шаршара суви инсон учун жуда кўп фойдали хусусиятларга эга эканлиги аниқланган. Ҳозир юқоридан тушаёт-ган сув босими биров пасайганига қа-рамай, у ердаги манзара жуда гўзал. Шаршара томон юқорилар эканмиз, эсдалик учун суратга тушаётганлар-



шаклда қурилган муҳташам залга ки-раётганда, ҳаворанг ойнали, чироқлар билан безатилган, баланд шифтига кўзни қамаштирувчи қандил ўрнатил-ган гўмбаздаги ажиб манзара ташқи гў-залликка уйқошиб кетди.

Янги сиҳатгоҳ шарофати билан 150 нафардан ортиқ киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Унинг биринчи қаватида қа-бул ва бошқарув бўлими жойлашган. Ик-кинчи-олтинчи қаватларда барча қулай-ликка эга ётоқхоналар, еттинчи қаватида эса люкс-аппартамент хоналари мавжуд. Муассаса ходимларининг айтишларича, санаторий тоғ иқлими ва табиатининг шифобахш хусусиятига кўра, юқори на-фас йўллари, аллергия, астма, асаб, юрак қон-томир, урологик, гинекологик, ҳара-кат-таянч тизими касалликларини даво-лашга ихтисослашган. Унга 4 километр наридаги тоғлар қўйнидан махсус қувур-лар орқали тоза ичимлик сув тортиб ке-лингн.

гаштини сурияпман. Бизнинг қадримизни кўтарганларни Яратган азиз қилсин.

Сиҳатгоҳ билан танишув давомида меҳнат фахрийлари Орзиқул Соатов, Эркин Холматов, Рустам Қалонов, Бай-рам Узоқовлар охириги йилларда янги сиҳатгоҳлар барпо этишга, тизимдаги санаторийлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, қабул қувватини оши-ришга алоҳида эътибор қаратилаётга-нини мамнуният қайд этишди.

«ШАРҲИНИ ТОПОЛМАЙ ТИЛЛАРИМ ЛОЛДИР»

Санаторийнинг очилиш маросими-дан сўнг машҳур Сангардак шаршараси сари йўл олди. Ҳисор тоғлари биқи-нидан, қат-қат қоялар бағридан си-зиб чиқадиган ва ёйилиб оқаётган бу обихаёт манбаини мақташнинг ҳожати йўқ. Зотан, ҳассос шоир Азим Суён айтганидек, «Шарҳини тополмай тил-ларим лолдир».

нинг кўзларида ҳайрат, юзларида юр-тимизда шундай гўзал гўшалар борли-гидан гурурланиш ҳисси балқиб турга-нини илғадик...

Кечқурун, шоирона тилда айт-ганда, шаршараю шалолаларнинг энг дилрабо дилбари, қирқ тарам кокили, тоғларнинг эркатойи, қалбларнинг та-бибию малҳамига айланган «Сангар-дак» билан хайрлашдик.

Дарвоқе, «Ishonch» ва «Ishonch-До-верие» газеталари ходимлари ўз анъа-насига мувофиқ, мазкур сиҳатгоҳнинг кутубхонасида «Ishonch» бурчаги» таш-кил этиб, тахририят томонидан чоп этилган китоблар жамланмасини совға қилишди.

Саҳифаларни «Ishonch» мухбирлари
Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
Гулрухбегим ОДАШБОВА,
Эъзоа УМУРЗОҚОВА
(фотосуратлар) тайёрладилар.

ТОҒЛАРГА БЎЙЛАШГАН



Янги Ўзбекистон мўъжизаси



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, академик

Бугун биз яна бир марта Янги Ўзбекистон мўъжизасига гувоҳ бўлиб турибмиз. «Мўъжиза» истилоҳини бежиз ишлатмадим. Негаки...

Мен бундан уч йил аввал ҳам бу жойга келганман. Ўша вақтда «Сангардак» сиҳатгоҳи учун шу масканда жой танланиб, ўрни текисланаётган экан. Қисқа вақт ичида мана шундай ҳайбатли иншоотнинг пайдо бўлиши мўъжиза эмасми?

Дунёда жуда кўп шаршаралар бор. Улардан энг машҳури Ниагара ҳисобланади. Мен у ерга борганман ва Ниагара билан Сангардакни солиштириб кўрганман. Ва амин бўлганманки, Сангардакка ўхшаши дунёда йўқ. Мисол учун, Ниагара 27 метр баландликдан, Сангардак эса 150 метр баландликдан оқиб тушар экан. Тўғри, Ниагара Сангардакка қараганда сал кенгроқ бўлиши мумкин, лекин Сангардак тоғдаги булоқлардан ҳосил бўлган қўлдан тушадиган шаршаралиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳам мўъжиза эмасми?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қисқа муддатда бу гўзал масканда мана шундай замонавий сиҳатгоҳ қуриб, фойдаланишга топшираётганини эса ҳар қанча эътироф этсак, арзийди.

Бу қошона нафақат Сурхондарё аҳли, балки бутун мамлакатимиз аҳолисига муносиб совға бўлди, десам, муболаға бўлмайди. Бунинг учун ушбу лойиҳа ташаббускори муҳтарам Президентимизга қанча тасанно айтсак, шунча оз.

Кўнглимиз чўққилар қадар юксалди



Улуғбек ҚОСИМОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими

Бундан етти-саккиз йил илгари юртимизнинг энг олис ҳудудида шундай замонавий санаторий қурилиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бўлса керак. Ўша кезларда янгисини қуриш у ёқда турсин, ҳатто, мавжуд сиҳатгоҳлардаги шарт-шароит ҳаминқадар бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Бугун Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган ислохотлари самарасида бу жабҳадаги ишлар ҳам кенгайиб кетди. Биргина вилоятимиз мисолида айтадиган бўлсак, кейинги йилларда Термиз туманида «Термиз марвариди», Олтинсой туманида «Хўжаипок» санаторийси фойдаланишга топширилди. Сариосиё туманида бунёд этилган «Сангардак» сиҳатгоҳи эса кўнглимизни тоғлардан-да баландга кўтарди.

Муҳташам қошонанинг ташаббускори бўлган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга ҳамда сиҳатгоҳни барпо этишдаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятига бутун Сурхондарё халқи номидан миннатдорлик изҳор қиламан.

Тинчлик ҳукм сурган юртда юксалиш бўлади



Зокир АЛМАТОВ,
Ички ишлар вазيري маслаҳатчиси, генерал-полковник

Шавкат Мирзиёев Президентликка киришган илк кунлариданоқ халқимиз давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилишини қатъий талаб қилди, барча масъул раҳбарларга қатор вазифалар топширди. Айниқса, халқ осойишталигини сақлаш энг муҳим вазифа эканини қайта-қайта таъкидлади. Зотан, тинчлик ҳукм сурган юртда шодлик бўлади. Тинчлик тантана қилган мамлакатда юксалиш кузатилади.

Бир вақтлар баъзи бир ўзини юксак мақомда санаб юрган давлатлар билан муносабатимиз совуқ эди. Ўша кезларда тоғу тошларда, чегара ҳудудларида миналаштириш масалалари кўтарилган эди. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча чўпонлар, чегара ҳудуди фуқаролари ҳалок бўлишди. Бу аянчли воқеалар ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган.

Айниқса, 2001 йилда Сурхондарёнинг азим тоғларига террористик гуруҳларнинг кириб келиши, халқимизнинг хотиржамлиги, осойишталигини бузишга бўлган хатти-ҳаракатлар шу ерлик аҳолининг ҳеч қачон эсидан чиқмаса керак? Ўша пайтда вақти келиб, Сангардакда мана шундай бино қурилишини йўламаган эдим.

Умуман, юртимизнинг барча ҳудудларида қурилаётган мана шундай сиҳатгоҳлар давлат раҳбарининг ўз халқига бўлган ғамхўрлиги ва эътибори натижаси, деб биламан.

Илоҳим, мамлакатимизда доим тинчлик-осойишталик ҳукм сурсин. Давлат раҳбари боши, сиз билан биз ёнбоши бўлиб, кўп йиллар халқнинг қорига яраб юрайлик.

Ҳар тонгимиз хушхабар билан



Содиқжон ТУРДИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси Республика бошқарув раиси

Яратганга беҳисоб шукур бўлсинки, ҳар бир тонгимизда бир янгилик, яхши хабарлар эшитяпмиз.

Бугун ҳам азим тоғларни беэаб турган мана шундай гўзал бионинг маросимида турибмиз. Агар «мўъжиза» деган сўздан ҳам улуғроқ ва гўзалроғи бўлганда эди, мазкур иншоотнинг таърифига шаксиз ўшани қўллаган бўлар эдим. Санаторийда олинадиган муолажаларни қўйиб туринг, бу ернинг ҳавосининг ўзи шифо аслида.

Сир эмас, бугун мамлакатимизда инсон саломатлигига алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Охирги йилларда қанчадан-қанча саломатлик марказлари қурилиб, фойдаланишга топширилгани сўзимиз исботи. Бир вақтлар айрим жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун катта маблағ сарфлаб, хорижий давлатларга бора-рардик. Бугун уларнинг кўпчилиги ўзимизда амалга оширилаётганини эътироф этмай бўладими?

Инсон қадрини улуғлаш мақсадида амалга оширилаётган мана шундай улкан бунёдкорлик ишларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Бу ишларнинг бошида турган, ўз тақдири, саломатлигидан халқ дардини устун билган Юртбошимиз ҳамиша омон бўлсин!

Қутлуғ дамларимиз кўп бўлсин



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Сурхоннинг энг баланд чўққисида қурилган қутлуғ даргоҳда туриб, қуйидаги мисралар ёдимга тушиди:

*Кўзни кўрсин деб яратган,
Кўлни кўрсин деб яратган.
Худойим ўзбекларни
Қандини урсин деб яратган.*

Мана шундай муҳташам сиҳатгоҳлардан аксариятининг очилиш маросимларида қатнашиб келяпман. Бугун Сурхонга келиб, кўксим тоғдек кўтарилди. Тинчлик, фаровонлик, шукроналик ҳукм сурган юртимизда бунёдкорлик ишлари янада ривож топиб бораверсин.

Ютуқлар ортида машаққатлар бор

Охирги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўриб, қалбида заррача ватанпарварлик туйғуси бўлган ҳар қандай инсон яйраб, жўшиб кетади. Тўғри-да, охирги олти-етти йилда амалга оширилган ишларни санаб, саноғига етиб бўлмайди.

Бу ишлар эса ўз-ўзидан бўлгани, бўлаётгани йўқ. Ҳозир шунчаки айтилаётган рақамлар ортида аслида чексиз машаққатлар бор. Бир вақтлар бир иморат қурмоқчи бўлсак, минг чигириқдан ўтардик. Техника, қурилиш моллари етишмасди.

Қурилиш соҳасида тадбиркорларга эркинлик, фаолият кўрсатишлари учун қулайлик ва



Козим ТЎЛАГАНОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги назорат инспекцияси бошлиғи

имкониятлар берила бошлагач, одамларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонди. Кўпгина қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқа-

радиган заводлар пайдо бўлди. Ўша йилларда Ўзбекистонда икки мингга яқин ташкилот қурилиш ишлари билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 47 мингга етди. Ўша даврда 9 мингга яқин қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, охирги уч йилда мазкур кўрсаткич 30 мингтани ташкил этмоқда. Шу рақамларнинг ўзи ҳам кечаги ва бугунги даврдаги ўзгаришларни чуқур англаб етиш учун етарли, деб ўйлайман.

Ишончим комил, яқин келажакда мана шундай қошоналардан яна кўплари қурилади. Ўша вақтларда ҳам ҳаммамизга давлатимиз, халқимиз қорига яраб юриш насиб этсин.

«САНГАРДАК»

Танти халққа шундай масканлар ярашади

Ҳаммамиз кўриб турган мазкур иншоот улкан парашютада олиб келиб, ўрнатиб қўйилганга ўхшайди. Аслида эса бундай эмас.

Камина бир бахтли тасодиф туфайли тахминан 23 август куни шу томондан ўтиб қолди. Ҳеч ким мени бу ерга олиб келгани ёки тарғибот қилгани йўқ.

Ўша вақтда қурилиш ҳали охирига етмаган эди. Жараён билан қизиқдим. Қурувчилар билан суҳбатладим. Ўшанда йигирма кун ичида бино тайёр ҳолатга келтирилиши ҳақида айтилган гапни, очиғи, ҳазм қилолмаганим. Лекин шу ерда ишлаётган усталарнинг шижоатидан ҳайратланганим рост. Кўпчилиги сурхондарёлик ёшлар эди. Биламиз, бу жойлар азалдан Алпомишлар юрти саналади.

Бунди қарангки, менинг ақлимга симаган иш ғоят моҳирлик билан якунига етказилибди. Энди Сангардак деган биргина сўз бутун дунёга тарқалади. Бу сўзнинг маъносини излаш асноси гувоҳ бўлдимки, «Санг» тоши деган маънони, «ардак» (асли ардоқ сўзидан олинган) азиз, ардоқли жой деган маънони билдирар экан. Демак, бу



Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Нуроний» жамғармаси
Республика бошқарув
раиси ўринбосари

ер азалдан азиз ва ардоқли жой ҳисобланган. Балки шу боисдир, Президентимиз мана шу жойга шундай сиҳатгоҳ қуриш вазифасини топширган.

Сангардакнинг табиати, ҳавоси ўзгача. Сурхондарёликлар мард ва танти халқ. Бу элнинг ҳурматини жойига қўйиб, мана шундай афсонавий қоша – муҳташам сиҳатгоҳ қуриш ташаббускори – Янги Ўзбекистоннинг буюк меъморига чексиз ташаккур айтаман.

Навоийнинг орзулари ижобатини кўряпмиз



Минҳожиддин МИРЗО,
Республика маънавият
ва маърифат маркази
раҳбари

Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай сатрлари бор:

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,

Ҳам жонлариға мойи дармон бўлғил.

Буюк шоиримиз даврон элининг, даврдош элининг жисмидаги жони бўлгин, ўша жонига бутун борлигинг, моҳиятиг, муҳаббатинг, меҳринг, иноятиг билан дармон бўл, демоқда.

Бир нарсасаг шукрона айтаманки, Навоийнинг ўша орзуларининг ижобатини кўряпмиз. Давлатимизнинг азиз фарзанди меҳр-муҳаббатини бугун ҳаммамиз чуқур ҳис қиляпмиз.

Ҳозир «Янги Ўзбекистон» деган атамани бутун дунё эътироф этмоқда. Бу мамлакатимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром белгиси, албатта.

Навбахор деган сўзни тез-тез ишлатамиз. Бу янги баҳор деган маънони билдиради. Наврўз деймиз. Бу янги кун дегани. Биргина мана шу янги деган сўзнинг ўзида ҳам баҳор, ҳам юксалиш, ҳам ривожланиш, ҳам янгилиниш, ҳам уйғониш бор. Бундан ҳам бахт, ҳам фаровонлик, ҳам тинчлик, ҳам адолат, ҳам ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик, яратувчанлиkning нафаси уфуриб туради.

Бир ижодкор сифатида Сангардакни дostonга қиёслаган бўлардим. Чунки унинг таърифи, доврўғини биргина мўъжиза деган сўз билан ифода-лаб бўлмайди. Бу ерга келган инсон борки роҳатни туяди, руҳига қувват олади, танига дармон киради.

Илоҳим, шундай улғу ишлар юрти-мизда бардавом бўлсин. Миллат тараққиёти йўлида меҳнат қиляётган ҳар бир инсонга гўзал сиҳатгоҳларда дам олиш насиб этсин.



Абдусайд КҮЧИМОВ,

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мўраббийси

Сангардак

Шаффоф шарораларнинг сарварисан, Сангардак,
Шоҳона тоғларимнинг зарҳалисан, Сангардак.
Шаршараю шалола, оз эмас бу оламда,
Сен уларнинг дилрабо – дилбарисан, Сангардак.

Қирқ тарам кокилингга, Ойбарчинлар маҳлиё,
Тоғларнинг эркатойи – дилдорисан, Сангардак.
Не ғамларни кўрмади сенинг азиз бошинг ҳам,
Бугун шоён дамларнинг меҳварисан, Сангардак.

Юртбошимиз меҳридан қайта келдинг дунёга,
Халқимнинг мулки латиф – анварисан, Сангардак.
Шаршаралар учун ҳам янги ҳаёт бошланди,
Янги Ўзбекистоннинг заргарисан, Сангардак.

Юлдузлардек шашқатор мунир чашма, булоқлар,
Мунир чашма, булоқлар – Хулкарисан, Сангардак.
Чирой маъбудасига тимсолдирсан тоабад
Энди қалбим табиби – жавҳарисан, Сангардак.

Чаппар урар янги кун, Янги Ўзбекистонда,
Янги Ўзбекистоннинг гавҳарисан, Сангардак.

16.09.2023 йил

Ниятимиз бир, мақсадимиз бир

Давлатимиз раҳбари мустақиллик табригида гўзал сатрларни тилга олдилар – «Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватан-миз!». Нақадар улғу, донишмандона сўз. Мақсадимиз, ниятларимиз сингари улғувор гап.

Байроғимиз кўплаб давлатларда ҳилпираб турганининг ўзи Ўзбекистон кучаяётганидан далолат.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида осмонга разм солдим. Кўзим бир бургутга тушди. Иншоот устидан уч марта айланиб ўтди. Назаримда, у тоғлар орасида қад ростлаган мана шу муҳташам қошонадан ҳайрон қолган бўлса, ажаб эмас. Бу, албатта, бир ташбеҳ. Лекин бунда ҳам бир ҳикмат бор, назаримда.

Бундай бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳали бу мўъжиза ҳақида кўплаб шегърлар, мақолалар ёзилишига ишонаман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўплаб эзгу ишларга



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси

бош бўлмоқда. Биз ёзувчиларга илҳом берадиган ушбу масканга қуруқ қўл билан келмадик. Дам олишга келган юртдошларимиз бадиий китобларимиздан ҳам баҳра олишсин деб, тўйга тўёна сифатида 1000 дон бадиий китоб билан келдик. Совғамиз сиҳаттоҳнинг кўркам кутубхонасидан муносиб ўрин олади, деган умиддамиз.

Сиҳаттоҳ ҳаммамизга хизмат қилади

Бугун нафақат Сурхондарё вилояти, Сангардак қишлоғи аҳли, балки бутун Ўзбекистон халқи учун катта тантана, шодиёна десам, муболага бўлмайди. Чунки барча дардларга малҳам бўладиган бу сиҳаттоҳ насиб этса, ҳаммамиз учун хизмат қилади.

Мана шундай муҳташам мажмуанинг муаллифи бўлган, ҳазрати ўзбекнинг ажойиб фарзанди муҳтарам Юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин!



Сайёра ТҮЙЧИЕВА,
фалсафа фанлари
доктори, шоира

Дам олувчиларга ҳавас қилдим

Бундай баҳаво гўзал табиат қўйнида дам олиш ҳар қандай кишига ҳузур-ҳаловат бахш этиши, шубҳасиз. Имконият бўлганда, биз ҳам шундай жойларда қолиб, руҳимизни тетиклаштириш бўлардик. Афсус, иш кўп. Очиғи, бу ерга дам олишга келганларга ҳавасим келяпти.

Адашмасам, бундан бир ярим йил олдин Ўзбек миллий академик драма театри Сурхондарё вилоятига гастроль сафари уюштирганди. Ўшанда бу бионинг қурилиши энди бошланган эди. Бунди қарангки, қисқа вақт ичида шундай гўзал иншоот қад кўтариб, табиатнинг кўркига янада кўрк бағишлабди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида инсон қадри, инсонга эътибор, эътироф ҳақида алоҳида тўхталади. Шу сўзларнинг амалий ифодасини мазкур санаторий яққол ифода-лаб турибди. Зотан,



Ёдгор САЪДИЕВ,
Ўзбекистон ва
Қорақалпоғистон халқ
артисти, Ўзбек миллий
академик драма театри
директори

олис тоғ бағрида бундай муҳташам бинолар ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Бунинг ортида улкан меҳнат мужассам. Бу фақат ўз она Ватанини, халқини чин дилдан севган инсоннинггина қўлидан келадиган иш, аслида.

Дориламон кунлар ўз-ўзидан келмаган



Ҳумойиддин ШАРОФИДДИНОВ,
меҳнат фахрийси

Муҳташам қошонанинг очилиш маросимида иштирок этаётганимдан беҳад шодман. «Сангардак» санаторийсининг салобатидан ҳайратим чексиз.

Етмиш йил урилмай-сурилмай, турли ташиқлотларда масъулиятли лавозимларда мамлакатимиз тараққиёти, мустақиллигимиз мустаҳкамлиги йўлида меҳнат қилдим.

Ҳозир касаба уюшмалари фахрийси-ман. Ёшим 96 да. Шукур, ҳали анча тетикман.

Ўтган давр мобайнида кўп синовли ва шонли кунларнинг шохиди бўлдим. Бир бурда нонга зор бўлган пайтларимиз ҳам бўлди. Бу тарих. Лекин шундай бўлса-да, ўтмишни қоралаш тарафдори эмасман.

Аслида ҳозирги дориламон кунлар ўз-ўзидан келмади. Не-не машаққат ва меҳнат, азоб-уқубатли дамлар меваси бу. Аллоҳнинг берган неъматларига, шундай кунларга етказганига минг бор шукур келтираман.

Республикада бой ташиқлотлар кўп. Афсус, уларнинг айримлари ўз вазифасини тўла бажараётгани йўқ. Лекин касаба уюшмалари алоҳида эътирофга сазовор. Айниқса, Федерация раисининг фаолияти диққатга молик. У кишининг бирдан-бир мақсади – давлат раҳбари белгилаб бераётган вазифаларни астойдил бажариш эканига ишончим комил.





НОНДЕКЛИК БОЛАЛАР ТОКАЙГАЧА САРСОН-САРГАРДОН БЎЛИШАДИ?

Шаҳрисабз туманининг тоғли минтақасида қадимий бир қишлоқ бор. Номи – Нондек. Бундан ўттиз йилча бурун унда катта қор кўчиши рўй беради. Оқибатда аҳолининг салкам ярми 6-7 километр наридаги Янги Нондек қишлоғига кўчиб ўтади. Бу ғўшада ҳам янги тураржойлар, 80-мактаб ва бошқа иншоотлар қурилиб, ҳаёт аста-секин изига туша бошлайди.



Албатта, Эски Нондекда ҳам мактаб бўлган. У ҳашар йўли билан, халқона тилда айтганда, «қалама» усулда 8 хонали қилиб барпо этилган. Қишлоқ болалари шу пайтгача ўша чоғроққина бинода таълим олишган. Унда ишловчи мактаб муаллимлари Янги Нондекдаги ўқувчиларга ҳам сабоқ бериб келишган. Анқироғи, ҳафтада 20 соат дарси бор муаллим 40 соат дарс ўтган. Ойлик маошони эса 20 соат учун олган. Чунки бир синфда 20 нафар ўқувчи бўлса, ярми янги қишлоқдаги, ярми эски қишлоқдаги мактабга қатнаган. Ўтган давр мобайнида маҳаллий аҳоли Эски Нондекда аллазамонлар ҳашар йўли билан тикланган мактаб ўрнида замонавий таълим муассасаси қуриб беришда ёрдам сўраб, туман раҳбарларига ва соҳа мутасаддиларига кўп бора мурожаат қилишган. Аммо фойдаси бўлмаган.

– Ҳозир Эски Нондекда 40 нафарча ўқувчи бор, – дейди нафақадаги педагог Жуманазар Муҳаммадиев. – Тоғ йўллари қишда қалин қор ва муз билан қопланади. Бундай шароитда пиёда тугул, машинада юриш ҳам қийин. Дарвоқе, биз болалигимизда кўшни қишлоқларда бировларникида яшаб ўқиганимиз, фарзандларимиз ёки набираларимиз ҳам бундай сарсон-саргардон бўлишини хоҳламаймиз. Шунинг учун бир набирамни Шаҳрисабздаги мактабга ўқишга киритдим. Иккинчисини Мироқчи қишлоғидаги мактабга олиб боргандим, «ўринлар тўлиб қолди», деб қабул қилишмади. Ҳолбуки, бизнинг болаларимиз ҳам қаердadir таълим олишлари керак-ку. Ҳашар билан қурилган мактабимиз эса 30 йилдан ортиқ хизмат қилди. Унинг ўриндами ёки бирор қўлайроқ жойдами, янги ўқув маскани қуриб, қиянқордаги, масалан, бизга кўшни Тамшуш қишлоғидаги 62-мактабга филиал қилиб беришса, фойдадан холи бўлмасди. Туман таълим раҳбарларига шу ҳақда айтсак, «Тамшушдаги тожик тили мактаби», деб илтимосимизни рад этишяпти.

– Эски Нондек ва Янги Нондек ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилса бўлмайdimи? – деб сўрадик отахондан.


– Боя айтдим-ку, тоғ йўллари хатарли. Қишда бир метргача қор ва ойнадай сирпанчиқ муз билан қопланади. Улардан бир автобус ўқувчи билан ҳаракатланиш мушкул. Илгари йўлда транспорт воситалари сирганиб ёки афдарилиб кетиб, бир неча фуқаронинг умрига зомин бўлган.

– Мен ҳам 4-синфгача шу қишлоқда, кейин кўшни қишлоқларда бировларникида ёки мактабда ётиб ўқиганман, – дея суҳбатга қўшилади 40 йил шифокорлик қилиб пенсияга чиққан Абдумўмин Боймуродов. – Юқорида тилга олинган қор кўчкиси туфайли қишлоғимиз икки-учга бўлиниб кетган, вазият янада кескинлашди. Болаларимиз ва ўқитувчиларимиз ҳамон сарсон-саргардон. Тўғри, мутахассислар мактабимиздаги ҳолатларни текшириб, «У «қалама» экан, таъмирлашнинг фойдаси йўқ. Яхшиси, янгисини қуриш лозим», деган хулосага келишган. Аммо ҳозиргача бир неча ҳоким ва РайОНО мудир алмашган бўлса-да, бу муаммо ечим топмади. Лоақал мактаб электр токи билан таъминланмади.

Манзура Бўриева икки нафар, Суннатилла Шукуров тўрт нафар фарзанди олисдаги мактабга қатнашда қийналаётганини, Хуршида Максадова эса 11-синф ўқувчиси ҳисобланмиш ўғли қуйидаги қишлоққа бориб ўқиётганини, қолган уч дилбандини қаерда ўқитишни билломай боши қотганини айтди.

Хуллас, Янги Нондекда яхши мактаб бор, аммо унга бориб келиш азоб. Эски Нондекда ҳашар йўли билан қурилган мактаб эса таъмирталаб.

Биз мутасаддилар бу масалага жиддий эътибор қаратиб, уни ижобий ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрадилар, деган умиддамиз.



Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

«САМОСУД»ЧИЛАРГА ҚАТЪИЙ ЖАЗО ЙЎҚМИ?

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали айрим кишиларнинг бемаъни тортишувлари ва хатти-ҳаракатлари, ўзгаларга шилқимлик қилиши, тан жароҳати етказиши, ҳатто қотиллик билан боғлиқ видеолар бот-бот тарқаяпти. Уларни кўриб, ҳайратга тушасиз. Айниқса, ёш қизларнинг ўзаро жанжаллашишдан, бир-бирига очикдан-очиқ ҳужум қилишидан қаттиқ таажжубланасиз. Бир видеода ғазаб отига минган уч-тўрт киши ёшгина қизнинг қўл-оёғини боғлаб, шафқатсизларча калтаклашганига, бошқасида қайсидир аёлнинг сочларини кесиб ҳақоратлашганига, учинчисида бир қизни тиз чўктириб, кўпчиликдан кечирим сўраттиришганига, тўртинчисида она-болани судраб-тепкилаб бақир-чақир қилишаётганига гувоҳ бўласиз.



Энг ачинарлиси, бундай «самосуд» (ўзича судлаш, яъни ҳуқуқбузар ёки жиноятчини ўзбошимчалик билан қонунга хилоф равишда жазолаш)ни амалга ошираётганлар эс-хушли, баъзилари қинғир ишлари билан Интернет орқали кенг оммага танилган ёш хотин-қизлардир. Қилмишлари ошкор бўлгандан сўнг аксарияти шунчаки узр сўраш билан жавобгарликдан қутулиб қолишмоқда.

Хўш, ўзича судлаш қай жиҳатлари билан хавфли?

Биринчидан, бу йўсинда жазоланадиган шахс аслида айбсиз бўлиши ёки қилдай гуноҳи учун филдай жазо олиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки ўзича судлаш кўпинча жаҳл устида, ҳис-ҳаяжон билан амалга оширилади. Бу ишга қўл урган ҳар қандай жазо адолатли бўлиши зарурлиги ҳақида ўйлашмайди ҳам.

Иккинчидан, бундай судловлар ўзбошимчалик, маданиятсизлик ва қонунбузарликнинг намунаси бўлиб, жамият раванқига ҳамда мамлакат обрў-эътиборига путур етказадиган, миллат шаънига доғ туширадиган. Шу боис уларга қарши кескин курашишни лозим.

Албатта, бизда ёшлар ўртасида тобора авж олиб бораётган бундай нохуш ҳолатларни назорат қилувчи идоралар мавжуд. Ҳар бирининг аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган вазифалари бор. Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар назоратсиз қолгани ёки ҳуқуқбузарлик қилганини аниқлашга боғлиқ масалаларни ўрганиш ва

умумлаштириш, ёшлар ўртасида ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар профилактикасини ўтказишга оид тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш кабиларни амалга оширишлари белгиланган. Аммо бу борадаги ишлар кўзга кўринарли эмасдек. Хўш, тегишли идоралар фаоллари Интернет тармоқларида ёритилаётган одамларни жунбишга келтирувчи ва хавотирга солувчи воқеа-ҳодисаларга нисбатан нега иссиғида муносабат билдиришмайди? Нега айрим пайтларда ҳуқуқ-тартибот органлари муайян ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўрилганини маълум қилишади-ю, қолган идоралар масъуллари сукут сақлашни маъқул қўришади? Ёки улар миллатимиз тақдир, эртанимиз ва келажакимиз бугунги ёшларнинг ўйлари, мақсадлари ва интилишларига боғлиқ эканлигини билишмайdimи?


Эҳтимол, ўзича судлашга сабаб бўлган воқеаларда жабрланганларнинг ҳам айби бордир. Яъни, ҳақорат ва туҳматга дучор бўлган, камситилган, ўрилик ва хиёнаткорликда гумон қилинган киши эҳтиросларга берилгани туфайли ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмай, «самосуд» йўлини танлагандир. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам айбдорни ўз билганича жазолашга ҳеч қимнинг ҳақи йўқ. Бу масалалар билан тегишли давлат органлари шуғулланади. Демак, бирор қонунбузар жазоланишини ис-

таган киши бу ҳақда ички ишлар, миллий гвардия, прокуратура ва суд каби давлат органларига мурожаат қилиши керак.

Шу ўринда «Юртимизда бундай бебошлиқларга қандай омиллар сабаб бўляпти? Нега айрим ёшлар бу қадр раҳм-шафқатсиз бўлиб боришмоқда?» деган саволлар туғилиши табиий. Уларга жавобан оила психологи Алишер Насиров шундай дейди:

– Жамиятда одоб-ахлоқ меъёрлари бир неча табақага бўлиниб кетган. Бунинг сабаблари Интернет олами ва сўз эркинлигига, айрим шахсларнинг омма эътиборини ўзига тортиш учун видеоолиши ва уларни тарқатишига бориб тақалади. Боз устига, кўпчиликда ваҳшийлик, тўполон, жанжал ва мудҳиш ҳодисалар акс этган хабар-лавҳаларни ўқишга, эшитишга ва кўришга мойиллик кучли. Уларнинг бундан асл мақсади кундалик ҳаётида вужудга келган муаммоларни бир неча дақиқа бўлса-да, эсдан чиқариш, ички хавотирлардан холи бўлишдир. Қолаверса, эндиликда аҳоли оддий хабарларга қизикмай қўйди. Бундан фойдаланган блогерлар турли йўللار билан машхурликка эришишга интилишмоқда. Баъзи ёшлар ҳам ҳар хил жанжаллар, бетгачопарликлар, беҳаёликларга бой видеолари ва мақолалари билан Интернет оламида ном чиқаришга ҳаракат қилишяпти. Оқибатда бир-бирини дўппослаш, ҳақоратлаш ва шарманда қилиш тобора оддий ҳолга айланиб бормоқда. Булар эса оиладаги тарбия сустлигидан далолат беради. Зеро, айрим ота-оналар фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига ўзлари ҳам тажовузор ва мурасасиз бўлиб қолишган, салгина жанжал кўтарилса, дарҳол телефонга ёпишиб, тасвирга туширишга, сўнгра уни ижтимоий тармоқларда тарқатиб юбориши мумкинлигини айтиб, таҳдид қилишга одатланишган. Улар тарбияни, энг аввало, оиладан бошлашлари, болаларига ўзлари ҳар томонлама қўлай бўлишлари лозимлигини унутиб қўйишган.

Биз ушбу мақолада фақат ёшлар ўртасидаги «самосуд»ларга тўхталиб ўтдик. Аслида эса, айрим ёши катталар ҳам бир-бирларини ҳақоратлашдан ва аёвсиз калтаклашдан заррача тап тортишмайди. Бу янада жиддий ва ўта хавотирли муаммолардан биридир.



Гулруҳбегим
ОДАШБӨЕВА
«ISHONCH»

Таълим тарбиядан ажратилса...

Яқинда ижтимоий тармоқларда «Собир Раҳимов ким бўлган?» деган саволга турлича жавоб берганларнинг видеоси оммалашиб кетди. Жавобларни эшитиб, кўпчилик кулди. Аслида эса, жавоблардан кулиш эмас, йиғлаш керак. Ўша сўровнома ҳозирги авлоднинг ҳақиқий савиясини, билиминини кўрсатди. Ўзга давлатлар тарихи, атоқли шахсларини қўя турайлик, ўз Ватани билан боғлиқ, яна узоқ тарих эмас, янги даврда яшаб ўтган юртошимиз, қаҳрамонни билмаслик...

Бундай аҳволга келишимизга биринчи навбатда, таълим тизимидаги камчиликлар, муаммолар сабаб бўлса, оилада тарбиянинг сустлашиб кетгани ҳам асосий омиллардан бири.

Бола тарбияси борасида ота-боболаримиздан қолган жуда ибратли нақллар бор: «Болани етти ёшгача шоҳ бил, 14 ёшгача унга кулга муомала қилгандек муомала қил, шундан сўнг уни ўзингга дўст бил», «Устоз отангдек улуг», «Эти сизники, суяғи бизники»...

Афсуски, мажозий маънода айtilган бу нақлларга бошқача тўн кийдирадиганлар ҳам топилади. Менимча, бу нақллар бекорга айtilмаган. Уларнинг ҳаммасида бир ҳикмат бор.

Ўқувчилик давримизда ўқитувчи қандайдир сабаб билан синфдошимизни уришса ва у бунинг ота-онасига айтиб берса, унга жавоб тайин эди: «Айб ўзингда, дарс қилмаганингдан кейин уришади, уради-да...». Ўша ўқувчи устозидан ҳам, ота-онасидан ҳам «қақини» оларди.

Мактабдаги «Наштар», «Қалампир» каби деворий газеталарда таълим-тарбияси ёмон ўқувчилар рўйхати чиқарилад, карикатура қилиб чизиларди. Ўқувчилар «линейка»да шарманда бўлмаслик, деворий газетда чиқмаслик, «идора» (ўқитувчилар хонаси)га кирмаслик учун тири-

шиб ўқишга, тарбияли ўқувчи бўлишга ҳаракат қилишарди. Тўйларда ёки йўлда устозни узокдан қўлиб қолсак, унга рўбарў келмаслик учун «қорамизни қўчирар»дик. Устозлардан ҳайиқардик, уларни жуда хурмат қилардик.

Ҳозир-чи? Афсуски, ҳозир бунинг бутунлай аксини кўриш мумкин. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган қариндошнинг бир воқеани айтиб берди. Яқинда бир бола ҳазиллашмоқчи бўлиб, устозининг стулига миҳча қўйибди. Оқибатда катта жанжал бўлган. Ўқитувчи ўқувчини ургани учун ота-онаси келган. Охири нима билан тугаганига қизиқаясизми? Юмшоқ жойига миҳча қирган жабрланувчи, яъни ўқитувчи айбдорга айланиб, ота-онадан кечирим сўрабди.

Илмий бўлим мудирини бир ўқувчига яхши ниятда «Фалончиева, сенинг оиланг яхши оила, онанг ҳам шу мактабда жуда яхши ўқиган, сен ҳам онангдек ўқисанг бўлмайdimи?» дегани учун балога қолган. Боланинг отаси мактабга келиб, ҳамма ёқни бошига кўтарибди. «Сенинг болам билан нима ишинг бор? Нега кўпчилиكنинг ичида боламни изза қиласан?» дея устозларга ташланаибди. Яна ўша ҳолат: устоз «тўғри бўл, яхши ўқи» дегани учун кечирим сўрабди.

Бир ўқувчига устози кўчадаги нолойиқ хат-

ти-ҳаракати учун танбех берган. Ўқувчининг устозига қарата «Сиз менга мактабда ҳўжайинсиз, кўчада хоҳлаганимни қиламан» деганини қандай ҳазм қилиш мумкин?

Кўп ота-оналар зурриётига бу ишинг нотўғри, бундай қилишинг ножоиз, деб тарбия беришни унутиб қўйишмоқда. Аксарият ота-оналар тарбия беришни фарзандларини ҳеч нарсага зориктирмасликда деб билишади.

Кўп бўлмади, ўғлининг синф раҳбари ота-оналар мажлисига таклиф қилди. Мажлисда устозлар катин-кетин ўқувчиларнинг ўзлаштириши, камчиликлари ҳақида гапира бошлашди. Навбат она тили ва адабиёт ўқитувчисига келганда бир савол бердим: «Авваллари ўқувчиларга адабиёт дарсида роман ва қиссалар ўқиб келиш, ёдлаш учун шеърлар вазифа қилиб бериларди. Ҳозир ўғлининг бадийий асар ўқиганини, шеър ёдлаганини умуман кўрмайман. Ёдлашга шеър, ғазал бермайсизларми?». Муаллим: «Ёдлашга шеър бераман. Лекин ҳеч бир бола ёдлаб келмайди. Устоз, шеър ёдлашга вақтимиз йўқ, дейишади», деб жавоб берди.

Аслини олганда, ростдан ҳам, уларнинг вақти йўқ. Технология ривожланган ҳозирги замонда улар ижтимоий тармоқларда дўстлари билан сотатлаб валақлашиши, турли-туман видеоларни кўриши, вақтини ўйин-кулги билан ўтказиши керак-да. Агар шеър ёдласа, насрий асарларни ўқиса, ўртоқларидан ажралиб, «замондан» ортда қолади.

Агар юқорида берилган саволлар ёши катта авлод вакилларига берилса, нима бўлади? Шуни аниқ айтишим мумкинки, улар Собир Раҳимов кимлигини ҳам, нима ишлар қилгани-ю қаерда вафот этганини ҳам билишади. Иккинчи жаҳон

уруши қачон бошланиб, қачон тугаганини, Гитлердан тортиб, Сталин собиқ иттифоқнинг қаттиққўл раҳбари бўлганини ҳам айтиб беришди.

Мен бу билан ўша даврни ёқламоқчи эмасман. Шунчаки ўша пайтда бирёқлама бўлса-да, таълим тизими нисбатан яхши бўлиб, устозларга ҳурмат бошқача бўлганини айтмоқчиман.

Яқинда мактаб таълимидаги масалаларни муҳокама қилиш ва устувор вазифаларни белгилаб олиш юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бир гапни таъкидладилар: «...Ўқитувчига эътибор – бу аввало фарзандларимизга, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор, дегани. Ўқитувчининг обрўси ошса, мактабнинг обрўси ошади, илмнинг, таълим-тарбиянинг қадри кўтарилади».

Сўнгги йилларда «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади», деган эзгу ғоя асосида соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Юзлаб замонавий мактаблар барпо этилиб, янги дарс-ликлар ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Бу хайрли ишлардан қувонасан киши. Лекин фарзандларимизга таълим берадиган устозлар, ўқитувчиларга бўлган эътибор ўзгармас экан, бу ишларнинг ҳаммаси сароб бўлиб қолаверадиган. Мақола бошида билимсизликка таълим тизими билан оиладаги тарбияни ҳам сабаб қилиб кўрсатдик. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, мактаб нафақат таълим оладиган, балки тарбияни ўрганадиган маскан ҳамдир. Ривожланган Япониядаги мактабларда бошлангич синфларнинг дастлабки уч йиллида илм олишга катта куч сарфланмас, асосий эътибор болалар тарбиясига қаратилар экан. Яъни ўқувчилар атрофдаги одамларни ва ўй ҳайвонларини ҳурмат қилишни, олижанобликни, ҳамдардликни, ўзини ўзи назорат

Мулоҳаза



қилишни, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўрганишар экан.

Хўш, бизда-чи? Муаллим озроқ тарбия бераман деса, рўпарасида ота-онани кўради. Кўпчилик ота-оналар фарзандимнинг тарбияси билан ишингиз бўлмасин, сизнинг вазифангиз билим бериш, дея ўқитувчини ерга урса, бошқаси бола-сига дакки берган ўқитувчини уриб, ҳақорат қилиб, фарзанди, ўқувчилар олдига ҳурматини бир пул қиладиган.

Хуллас, устоз ва мураббийларга бўлган муносабат ўзгармас, таълим бериш сенинг вазифанг, тарбия бериш фалончининг иши дея, ажратар эканмиз, ҳали кўп йиллар буюк аждодларимиз билан мактабниб юраверамиз. Оқибатда эса, таълим ҳам, тарбия ҳам «даммини олади». Дарслар номига ўтилиб, Собир Раҳимов кимлигини билмайдиган, «Ўзбекистон мадҳиясини Абдулла Қодирий ёзган» дейдиган авлод шаклланаверадиган.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ

Мустақилликдан олдин яратилган тарих дарсликлариди, илмий-тадқиқот марказлари нашрларида, оммавий ахборот воситаларида Туркистон легиони мутлақо ёдга олинмаган. Чунки бу ҳақда ёзиш коммунистик партия мафкуриси ва совет сиёсатиға тўғри келмас эди. Кейинчалик эса легион ҳақида элас-элас гап-сўзлар эшитила бошланди. Биз Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник, тарихчи Худойберди СОҲИБОВ билан айнан шу мавзуда суҳбатлашдик.



– Устоз, марҳамат, сўз сизга!

– Тўғри таъкидладингиз, мустабид замонда бу мавзу «ёпиқ» эди. Туркистон легиони тўғрисида ёзиш туғул ҳатто давраларда гапиришга ҳам журъат етишмасди. Аниқроғи, бунга изн йўқ эди. Ҳолбуки, аслида Туркистон легиони Иккинчи жаҳон уруши даврининг ажралмас тарихий бир қисми, қолаверса, унинг ҳосиласи эди. Бинобарин, легионни ташкил этиш ишлари 1941 йил охирида бошланади. Кейинги йил баҳориди у тўлиқ шаклланиб, фаолият юритишга киришади.

Тарихий манбаларға кўра, урушнинг дастлабки йилларида ғарбий жаҳонда икки миллион туркистонлик аскар хизмат қилган. Уларнинг ярмидан ортиғи ўша кезлар асир тушган. Ҳа, айтганча, туркистонликлар деганда бугунги Марказий Осиё давлатлари халқлари тушунилади. Ташкилот номи қадимги худудимиз номидан олинган. У пайтлар минтақа халқлари миллатларға ажратилмас, барчаси ўзини туркистонлик ҳисоблар ва бундан факрланарди. Ҳатто, легион байроғи ҳам Туркистон мухторияти замониға мос бўлган.

– Урушнинг илк йиллари минтақамизнинг кўплаб вақиллари нима сабабдан жанг майдонида пайдо бўлгани ҳақида тўхталсангиз.

– Аввало, шуни қайд этиш жоизки, Иккинчи жаҳон уруши бошланган кун, яъни немислар Польшаға ҳужум қилган 1939 йилнинг 1 сентябрида Совет Иттифоқида умумий мажбурий ҳарбий хизмат қилиб қилинади. Унгача туркистонликларға ишонч билдирилмаган ва улар харб ишлариға жалб этилмаганлар. Ўша йили 30 ноябрда бошланган Совет Иттифоқи ва Финляндия савашиди улар илк бор жангға ташланганлар. Келгуси баҳорда бу қирғин туғатгач, ватанларига қайтарилмай, «қизил аскарлар» сафида Украина ва Польшада хизматни давом эттириш учун юборилганлар.

Фашистлар Германияси 1941 йил июнида собиқ Иттифоққа қарши уруш бошлаши биланқо аскарлар Ғарбий жаҳонға жалб этилган. Жангларнинг илк кунларидақоқ иттифоқ республикалари, жумладан, Урта Осиё ва Қозғистоннинг норғул йигитлари фронтға сафарбар қилинган. Албатта, улар пухта жанговар тайёргарликдан ўтганлар ва яхши курулланганлар сафида бўлишмаган.

Туркия манбаларида 1941–1943 йилларда 4 миллион 487 минг 775 нафар туркистонлик урушға олинганлар айтилади. Бошқа маълумотномаларда бундан кўпроқ рақам келтирилади. Сирасини айтганда, илк уруш воқеалари синчиқлаб ўрганилса, янада қизиқ далил-рақамлар юзага қалмак чиқади. Мен эса фақат мавзумизға дахлдорларига тўхталаман.

Урушда қатнашган йигитларимизнинг аксарияти рус тилини билишмаган, билганлари ҳам «моё-тозу»дан нариға ўтмаган. Боз устига, руслар ўрта осийликларға унчалик ишонмишмаган. Шу боис урушнинг дастлабки ойлари уларнинг қўлларига ёғоч милтиқлар бериб қўйишгани, ҳарбий анжомлар билан ҳаминқадар таъминлашгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Шунга қарамай, улар олд фронтға ташланган. Тасаввур қилинг: оқраңгизда рус зобити, қаршингизда немис фашистлари. Уларнинг иккисидан ҳам қочиб қутула олмайсиз. Ё ҳаёт, ё мамот! Туркистонлик аскарлар уруш бошида нима учун немисларға асир тушганларининг асли сабабини шундан билиб олса бўлади. Немис халқи эса ҳисоб-китобни жуда тўғри олади. Ўша пайтда ҳам келажакка қараган, стратегик режа тузиб, туркистонликлардан самарали фойдаланишни кўзлаган.

– Англишмича, асирларни бир жойға тўплаш, уларнинг бошини қовуштириш учун Туркистон легиони ташкил этилган экан-да.

– Худди шундай! Урушнинг илк ойлари ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва қорақалпоқ асирлари Варшавадан 18 километр узоқликдаги Легионово деган жойда, сўнгра Германиянинг Ноиғамбург ва Мюнзентен, Украинанинг Ровно шаҳарларидаги лагерларға жойлаштирилган. Кейинги йилларда бундай камплар Европанинг бошқа шаҳарларида ҳам кўплаб очилган.

72 кун яшаган Туркистон мухториятининг аввал ташки ишлар вазира бўлган, кейин уни бошқарган Мустафо Чўқай ва утган асрининг 20-йилларида Германияға ўқишға бориб, у ерда қолиб кетган Вали Қаюмхон бу ишға бош бўладилар. Лагерларға бориб, махбўслар билан суҳбатлашадилар. Туркистон батальонини тузиб, ота-боболариимиздан мерос худудларни қайтариб олиш ниятида эканиклирини очик айтдилар. Энг муҳими,

улар ҳарбий асирлар жонини сақлаб қолмоқчи бўлишади. Бу иш ҳар ҳолда самара беради.

Бироқ айни йўналишдаги саяй-ҳаракатлар авж ола бошлаганда – 1941 йил 27 декабрда лагерьма-лагерь юриб, касаллик юқтириб олган Мустафо Чўқай Берлинда вафот этади. 1942 йил бошида Вали Қаюмхоннинг бевосита интилишлари ва Вермахтнинг қўллаб-қувватлаши билан Туркистон миллий легиони тузилади. Унга Вали Қаюмхоннинг ўзи раҳбар бўлади. Лекин легионнинг барча лагерь ва батальонларини немислар бошқарган. Айрим рота ва взводларға легионерлар раҳбар қилиб тайинланган эса-да, ўринбосарлари немис бўлган.

Март ойида 1000–1200 кишилиқ жанговар батальонлар тузилиб, асосан завод-фабрикалар ва стратегик иншоотларни қўриқлашға жалб этилган. Шунингдек, улар Италия, Югославия ва Франциядаги партизан урушларида қатнашганлар.

– Илтимос, иложи бўлса, шу ўринда немислар легионлар ташкил этишга неча осонгина кўнишганиға аниқлик қилиб ўтинг...

Бунинг жавоби жуда оддий. Фашистлар Совет Иттифоқиға бостириб қиршидан йигирма йиллар аввал «қизиллар»нинг ўзлари ўйлаб топган «босмачилар»ға қарши кураши хали хотирадан кўтарилмаган, 30-йиллардаги коллективлаштириш балоси авж олган, миллатларнинг асли зиёлилари қатонға учраган, диний ва миллий камситишлар оғир асоратлар қолдирган эди. Қолаверса, бугунги минтақамиз мамлакатларига ҳурлик бериш, Германия протекторатида – ҳимояси остида Катта Туркистон давлати тузиш ваъдалари амалға ошадигандек қабул қилинган.

Аслида фашистларнинг учинчи фронт очиш, яъни Урта Осиёға Афғонистон орқали кириш ва у ерда марказий ҳокимиятға боғлиқ буфатор – қўғирчоқ ҳукумат тузиш нияти бўлгани тарихий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Аммо бу режа совет қўшинларининг эронда кўрсатган фаолиғи натижасида барбод бўлган.

– Демак, туркистонлик легионерлар ҳақиқий жангларда қатнашмаган бўлиб чиқадими?

– Тўғрироғи, ҳаммаси эмас, бир қисми урушға кирган, холос. Аслида улар бу терс жангға руҳан тайёр бўлишган. Фашистларнинг «Иккинчи жаҳон урушида қолиб чиқсак, Туркистонни сизларға қайтариб берамиз», деган ваъдаларига ишонишгани тўғрйли уларнинг сафида бўлиб, Туркистон озодлиғи учун курашишға шай туришган.

Аксарият йигитларимиз Германиянинг фронт ортида, турли ёрдамчи бўлинмаларда хизмат бурчини ўташади. Артеллерия омборларини қўриқлашда, темир йўллар қуришда, уларнинг таъминоти ва сапёрлик ишларида фаолият юритишади. Уруш даврида жами 202 та ёрдамчи бўлинма бўлган бўлса, уларнинг 111 тасида туркистонликлар меҳнат қиладди. Лекин уруш натижаси кўриниб қолган кейинги бир-бир ярим йил ичидида легионерларимизнинг ҳам қарашлари ўзгаради ва ёппасига партизанлар томонига ўта бошлашади.

Мисолларға мурожаат қилсак, фашистларға асир тушган анджонлик Ғуллом Алиев 1942–1944 йилларда легионда хизмат қиладди. Ғалабаға тўрт кун қолганда, яъни 5 майда советлар томонидан қўлга олинади. Архив ҳужжатларига кўра, тергов жараёнида у қуйидагиларни баён этади: «1944 йил 25 декабрда – Янги йил арафасида дўстим Исоқжон Нарзикул билан немисларни уйга тақлиф қилиб, зие-фат берамиз, роса «воёк»лар ичказиб, маст қилимиз. Кейин эса... уларни қўшишға тизамиз. Исоқжон билан немислардан фойда ўйлаганини аңлаиб, шу йўлни танлаандик. Кейин сўзларға, полковник Большинский бошчилиғидаги партизанлар отрядиға қўйишиб, фашистларға қарши кураш олиб борамиз». Бу немисларға нафратни, партизанларға қўйилганлиқни англатадиган муҳим далилдир.

– Миллий Туркистон бирлиги қўмитаси тўғрисида қандай фикрдасыз?

– У 1942 йилнинг август ойида ташкил қилинади ва Вали Қаюмхон раҳбар этиб тайинланади. Замонавий тилда айтганда, бу ташкилот мафкура билан шуғулланиб, легионнинг сиёсатини белгилаб берган. Қўмитанинг 15 та бўлими бўлиб, уларда минтақамизнинг махбўсга айлангунға қадар таниқли бўлган зиёлилари, олимлари ва ижодкорлари ишлашган. Масалан, 25–30 кишидан иборат Миллий ташвиқот бўлими аскарлар орасида сиёсий мавзуларда суҳбатлар ўтказган. Саломатлик бўлими докторлари ва фидокорлари яраланган аскарлар ва ноғиронлар дардиға малҳам бўлишган. Иқтимоий бўлим зиммасига ноғиронларға ва адолатсизлик қурбони бўлганларға ёрдам бериш чораларини қўриш вазифалари юкланган.

Таъсис этилган «Миллий Туркистон» журналининг илк сони «Бизнинг йўл» шиори остида ўша йил 15 августда нашрдан чиққан. «Янги Туркистон» ҳафталик газетаси эса 1943 йилдан чоп этилган. Уруш охиригача адади 15 мингдан 80 минг нусхаға етган. 1945 йил апрелида сўнгги сони босилган.

Яна бир ташкилот – Туркистон миллий ёзувчилар бирлиги атрофига тутқунликдаги шоир ва ёзувчилар жамланадилар. Улар миллий ва адабий мавзуларда асарлар ёзиб, чоп эттирадилар. Чунончи, Фитратнинг беш пардали «Ҳинд инқилобчилари» пьесаси лотин графикасида 1944 йилда босилади. Унга сўзбоши ёзган Аҳмадхон Умархон ўғли Туркистон халқлари узоқ йиллардан буён рус империализми қўли остида эзилиб келганини, мустақилликка эришиш учун бир неча марта тарихий курашлар олиб борилганини ўқитиб ўтади.

Уруш давомида «Манас» достонининг бир қисми, Абай ва Махтумқулининг шеърый тўпламлари алоҳида китоб шаклида нашр этилади. Шунингдек, 30-йилларда қатонға учраган туркистонлик шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ҳам Берлинда дунё юзини кўради.

– Анча жиддий-ку бу фаолиятлар...

– Андақ шошманг, хали ҳаммасини айтиб улгурмадим. Ҳар бир зобит ва аскар махсус кийимға эга эди. Унинг ўнг енгиди «Туркистон, Аллоҳ биз билан!» деган ёзув бўлган. Аъзоликка қабул қилиш чоғи номзод қўлларини Қўрьонни карим ва икки қилич устиға қўйиб қасам ичган. Бу маросимда, албатта, Туркистон байроғи бўй кўрсатиб турган.

Эсингизда бўлса, режиссёр Равиль Ботировнинг 1966 йили экранларға чиққан «26-си отилмасин!» фильмида Туркистон легионига оид лавҳалар акс этган. Унда «легиончилар» жамоа бўлиб намоз ўқиган эпизод ҳам бор. Советлар замонида бу лавҳа фильмдан атайин ё билмай кесиб ташланмаган. Легионда намоз ўқишға рўхсат берилганини, диний эркинликка ҳужуж бўлмаганини совет фильми ҳам тасдиқлайди. Уни томоша қилган миллионлаб кишилар легион қаҳрамони фаолиятини қўлаб-қувватлайди.

Собиқ асир Ҳусан Икромнинг хотирлашича, Миллий Туркистон бирлик қўмитаси Қўрьонни каримни ихчам ҳажмида тайёрлатиб, барча аскарларга тарқатган. Ҳайит байрамлари кенг нишонланган, ҳатто Қўрьон ҳайитда қўйлар сўйилиб, эҳсонлар қилинган. (Диний эътиқодға рўхсат бўлгани яна тасдиқланади).

1944 йил июнь ойида Венада Миллий Туркистон бирлиги қўмитасининг 70 кишилиқ Миллий парламенти тузилади. Улар ҳар миллатдан икки нафар вакил аъзо бўлиб қиради. Ташкилий йиғилишда мингдан ортиқ киши қатнашади. Миллий парламент хорижда миллий ҳукумат ўларок қабул қилинади.

Мен тилға олаётган бу воқеаларнинг аксарияти архив ҳужжатларига асосланган. Улар орасида айрим шахсларға ва легион қошиқда тузилган батальонларға тааллуқли маълумотларни ҳам кўрганам. Қўшинларнинг барчаси немисларнинг махсус хизматлари ёрдамида тузилган. Дастлаб «Шарқий батальонлар» пайдо бўлган. 1943 йили эса татарлар, бошқирлар ва озарбайжонлардан иборат «Темир номидаги Туркистон батальони» шаклланган. У Францияда Англия – Америка қўшинларига, беларус партизанларига қарши курашган. Кўп йўқотишлардан сўнг Лицманштат шаҳриға қайтарилган.

Айрим полклар Белоруссияда «қизиллар»ға қарши курашган, бошқалари 1944 йилда Чехословакияға, Италиянинг Верона-Падуа райониға жойлаштирилган. 180–200 кишилиқ «СС» алоҳида дала ротаси разведка мактаби курсантларидан иборат эди. Шубҳасиз, улар орасида туркистонликлар ҳам бўлган.

– Туркистон легиони тўғрисида Вали Қаюмхон ва Рўзи Назарлар ҳам ўз фикрларини билдиришган бўлса керак?

– Бу легион ҳақида гап очилганда, аввало, Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхон эсланади. 1918 йили Туркистондан қувилган Чўқай минтақа озодлиғи учун курашни сўнгги нафасигача тўхтатмаган. Уруш бошланганда Парижда истиқомат қиларди. Туркистонликларнинг асир тушуши унга тинчлик бермасди. Утган асрининг 20-йилларида Германияға ўқишға кетган Вали Қаюмхон эса шўролар тазийқидан қўчиб, ўша мамлакатда қолиб кетади, олий маълумотли бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топади.

Икковлон қонлигерларда қолаётган туркистонликлар ҳолидан хабар олиб, уларға кўмаклашшға бел боғлайди. Фашистлар бундай ҳамкорликка хайрихоҳлик билдиришмади. Суҳбатлар асоси туркистонликлардан иборат батальон тузилиши ва у советларға қарши курашға киришиши мумкинлиғи айтилади. Немис фашистлари советлар устидан осонгина ғалаба қозонишдан умидвор бўлишгани боис аввалиға бу таклифи рад этишади.

Қандайлигидан қатъи назар, Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхоннинг мақсади ота-боболари худудларини қайтариб олиш эди. Вали Қаюмхон «Би-Би-Си» ва «Озодлик» радиоларидаги суҳбатларда «Асирға тушган ёшлар Европа, қолаверса, фашистлар таъсириға тушиб қолмаслиғи учун ўз мафкурамизни шакллантиришға мажбур бўлганмиз», деган фикр билдирди.

Америкада ашаётган 92 ёшли собиқ ҳарбий асир Рўзи Назар 2009 йил 7 март кун «Би-Би-Си» муҳбири билан мулоқот чоғи «Туркистон озодлиғи учун биз – легионерлар ҳатто шайтон

ТУРКИСТОНЛИК ЛЕГИОНЕРЛАР ҚИСМАТИ

Мозийға назар

тирик қолган туристонликларнинг бошиға оғир қулфатлар тушгани ҳақида айтганини ўқиганман. Ушанда туркистонликлар олдида иккита йўл бор эди – ё русларнинг қўлиға тушмаслик учун чоралар кўриш, ёки Қочқинлар бўйича бошқарма лагерларига бориб жойлашиш. Афсуски, ҳар икки йўлдаги уринишлар ҳам натижа бермайди. Ялта конференцияси қарорлари мўқаддас ҳисобланиб, қатор давлатлар мурожаатлари рад этилади. Қи-зил ярим ой жамияти ҳам кўмакка тайёрлигини билдирса-да, амалда бунинг имкони йўқ эди.

Алқисса, тахминан 70 минг туркистонлик советларға бўйсиндирилади. Урушдан сўнг 100 минглаб туркистонлик Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларида яшаб қолишади, бир қисми Туркияға, кейинчалик Америкаға кетади. Шундай қилиб, мингларча ота-оналар фарзандларидан айрилади, аёллар тул, фарзандлар етим бўлиб қолади.

– Туркистон легионидан қочиб, Ватанға қайтганлар ҳақида маълумотлар борми?

– Албатта, бор! Юқорида эслатганимиздек, уларнинг баъзилари мажбурлаб юртға олиб келинган, айримлари ўз ихтиёрлари билан киндик қони томган жойға қайтган. Аксариятининг асир тушгани исботланмаган, аммо орадан йиллар ўтиб, турли воқеа-ҳодисалар тўғрйли бошиға ташвиш ёғилганлари, арзимган баҳоналар билан ҳамқишлоқлари тухматига учраганлари ҳам бўлган. Баъзи кишилар ўзаро келишолмай қолса, «Фалончи сотқин бўлган, урушда душман томонға ўтиб, советларға қарши жанг қилган», деган маломат ёдирган. Қарабсизки, улар устидан тергов олиб борилиб, узоқ муддатта қамалган ёки Сибирға сургун қилинган.

1956 йил 17 сентябрда СССР Олий Кенгаши Президиумининг «1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида оккупантлар билан ҳамкорлик қилган совет фуқароларини амнистия қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, совет армияси ва флотининг Жиноят кодексининг 193- («жанг майдонидан қочиш ва асирға тутиш») ва 58-1 «б» («Ватанға хиёнат, душман тарафға ўтиб кетиш») моддалари билан сулланган барча ҳарбий хизматчилари афв қилинадиган бўлди...

– Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ Нюрнберг суди ҳақида ҳам бирров тўхталсангиз...

– У нацистлар Германиясининг бир неча ҳарбий жиноятчилари устидан ўтказилган илк суд ишидир. Илгари нацистлар партиясининг сёздалари шу ерда қачирилгани сабабли атайин танланган Нюрнберг шаҳрининг Адлия саройида бўлиб ўтгани учун тарихиға шу ном билан кирган. Суд немис, рус, францўз ва инглиз тилларида олиб борилади. АҚШ таклифига биноан унда янги усул – синхрон таржима қўлланилади. Пировадидида 24 нафар асосий айбланувчининг тенг ярми ўлимға лойиқ қўрилади, 3 нафари умрбод қолганлари турли муддатларға қамалади. Умуман олганда эса, суд якуни бўйича 24 киши ўлим, 118 киши қамоқ жазосига ҳукм қилинади, 35 нафар айбланувчи оқланади. Оқланганлар орасида Вали Қаюмхон ҳам бор эди. У икки йил қамоқда ётади. Аммо Туркистон легиони на советларға, на немисларға қарши урушда қатнашгани исботланмайди... Узбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки тўғрисидаги янги маълумотларда илк бора дом-дараксиз йўқолган 158 минг кишининг номи келтирилади. Эҳтимол, улар орасида легиончилар ҳам бордир...

– Бугунги кунда Туркистон легиони қатнашчилари ҳақида хабарлар борми?

– Бугунги мулоқотимизда туркийлик тадқиқотчи журналист, асли туркистонлик, Ўзбекистоннинг дўсти Чағатоий Кўчар лутфан тақдим этган маълумотлардан ҳам фойдаланамиз. Унинг айтишича, шу йил апрель ойида юз ёшчи қоралаган сўнгги легиончи Маждид Бей Америкада вафот этган.

– Шўролар замонида Туркистон легиониға мўнасабат қандай бўлгани ўз-ўзидан аён. Мустақиллик йилларида-чи, бу борада ўзгаришлар сезилдими?

– Суҳбатимиз бошида таъкидлаганимдек, легион ҳақида батафсил бўлмаса-да, мақоалар бериш бошланди. Ҳатто, тарихи оид китобларда ҳам у ҳақда, аз бўлса-да, маълумотлар учрайди. Ҳуусан, заҳматкак тарихчи, профессор Рустамбек Шамсутдинов шу мавзуга оид қишқилар қилди.

2000 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи» туркумидидаги иккинчи «Ўзбекистон совет мустамлакачилиғи даврида» китобида 1942 йили Туркистон миллий қўмитаси ташкил этилгани, Вали Қаюмхон унинг президенти этиб тайинлангани ҳақида батафсил маълумот берилган. Легионнинг вазифалари, бажарган ишлари ҳақида сўз юритилган. Суҳбатимизни ўшиб асардан олинган қуйидаги иқтибос билан якунламоқчиман:

«... Легионерларға иқтимоий-сиёсий баҳо бериш ҳам мураккаблиғича қолмоқда. Совет тарихишунослиғида улар бир хилда, совет халқининг «сотқинлари», деб таърифланган. Ғарбий тарихишунослиқда, кейинги вақтларда эса, бизнинг матбуотимизда «қўнғил-лилар» – булар мустабид тузумға қарши ғоявий курашчилар, немис армияси ёрдамида сталлинча зулмдан мамлакатни озод қилиш учун қуролли кураш олиб боришға тайёр турган кишилар эди, деб баҳоламоқда. Умуман, «Туркистон легиони» масаласида турлича фикрлар мавжуд. Бу масалани чуқур ўрганиш ва холисона баҳо бериш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан-дир».

– Худойберди Соҳибович, далил ва рақамларға бой мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!



Аброр ҒҲЛОМОВ
суҳбатлашди

БУ ЛЕГИОН ҲАҚИДА ГАП ОЧИЛГАНДА, АВВАЛО, МУСТАФО Чўқай ВА ВАЛИ ҚАЮМХОН ЭСЛанади. 1918 йили Туркистондан қувилган Чўқай минтақа озодлиғи учун курашни сўнгги нафасигача тўхтатмаган. Уруш бошланганда Парижда истиқомат қиларди. Туркистонликларнинг асир тушуши унга тинчлик бермасди. Утган асрининг 20-йилларида Германияға ўқишға кетган Вали Қаюмхон эса Шўролар тазийқидан қўчиб, ўша мамлакатда қолиб кетади, олий маълумотли бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топади.



Унда 117 та давлатдан 719 нафар спортчи иштирок этди. Бу курашларда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасидан 13 нафар спортчи қатнашди. Уларнинг 7 нафари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комп-лекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг спортчиларидир. 11 сентябрь куни ана шу мактаб аъзоси, 81 кг. вазндаги спортчимиз Муҳаммадқодир Тоште-



Хушхабар

миров даст кўтаришда 164 килограмм натижани қайд этиб, юртимизга биринчи олтин медални ҳада этди. Силтаб кўтаришда 188 килограммлик натижани қайд этиб, умумий ҳисобда 352 килограммлик тошни кўтаргани учун бронза медални кўлга киритди.

17 сентябрь куни эса эркалар ўртасида 109 кг. вазн тоифасида силтаб кўтариш баҳслари якунланди. Унда ҳамюртимиз Акбар Жўраев 226 кг. натижа билан кумуш медални кўлга киритган бўлса, 227 кг. натижа билан Руслан Нуриддинов олтин медалга сазовор бўлди.

Икки кураш – силтаб ва даст кўтариш якунларига кўра, Акбар Жўраев умумий 415 кг. натижа билан иккинчи олтин медалга эга чиқди. Руслан Нуриддинов эса 407 кг. оғирликни кўтариб, кумуш медалга сазовор бўлди. Қайд этиш лозимки, Акбар Жўраев айнан Руслан Нуриддиновдан сўнг икки карра жаҳон чемпиони бўлган оғир атлетикачи сифатида ўзбек спорти тарихига кирди.

Спортчиларимизни улкан ғалабалари билан кутлаймиз!

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Меҳр-оқибат тадбирлари

Китоб туманидаги 74-мактабнинг амалиётчи психологи Анвар Қаршиев оёғини даволатди. Бир эмас, икки эмас, тўрт марта жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Кетма-кет даво-ланиш, табиийки, ҳар қандай одамни моддий жиҳатдан ҳолдан тойдиради. Ходимга касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам ажратилди.

Шунингдек, 16-давлат мактабгача таълим ташкилоти ёрдамчи тарбиячиси Маҳбуба Раҳимова ҳам хастала-ниб қолди. Кейинроқ даволанай, деса, касали зўрайиши мумкин. Муолажалар учун эса маблағ керак. Ходиманинг аҳолини тўғри англаган бошланғич касаба уюшма қўми-таси раиси Наргиза Султонова тезда йиғилиш ўтказди. Қў-мита аъзолари бир овоздан М. Раҳимовга моддий кўмак бериш масаласини қўллаб-қувватлашди.

Бундай мисоллар кўп. Яқинда байрам муносабати би-лан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Китоб ту-

мани кенгаши томонидан жамоа шартномалари ва кели-шувлари орқали 35 нафар эҳтиёжманд ходимга моддий ёрдам берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандла-ридан 75 нафарига ўқув қуроллари тақдим этилди. Шу-нингдек, 24 нафар кекса педагог ҳолидан хабар олиниб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, «Китоб-сайёҳ» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда 104 нафар ходим Бухорои шарифни зиёрат қилиб қайтди. «Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида тармоқ тизимидаги ташкилот ва му-

Бошланғич ташкилотларда



ассасаларда меҳнат қилаётган 900 нафар ходим турли зиёратгоҳ ва тарихий масканларга саёҳатга олиб борилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Долзарб мавзу

Шимдан аввал кийилаётган пойабзал янглиғ

ёхуд айрим ташкилотлардаги режасизлик туфайли бюджет маблағи ва хомашё исроф бўлаётгани хусусида



Айни манзара бирор-бир авария ҳо-лати сабаб юзага келган ва онда-сонда кўзга ташланадиган ягона ҳолат бўлган-ди, тушуниш мумкин эди. Таассуфки, пухта режа йўқлиги, давлат идоралари, айниқса, коммунал инфратузилмага дахл-дор ташкилотлар фаолиятини ўзаро му-вофиқлаштириш талабга жавоб бермас-лиги боис юқоридагига ўхшаш ҳолатлар кейинги йилларда одатий ҳолга айланди. Роппа-росса тўрт йил аввал – 2019 йил саратонида Андижон шаҳридаги гавжум ва серкатнов нўқталардан бўлмиш Тинч-лик кўчасининг тахминан 500-600 метрлик қисми эски асфальт қолдиқларидан обдон тозаланиб, йўлнинг икки четигади лоток қирғоқларигача ҳафсала билан асфальт босилди. Бироқ орадан икки ой ўтгач, мах-сус техникалар қўйилмаганда равои кўча-нинг бир томонини бошидан охирига қа-дар қавлай бошлашди. Аниқланишича, ичимлик суви қувурларини янгилашга аҳд қилишибди. Исроф бўлган асфальт, ишо-нинг, шаҳардаги тор ва ўйдим-чуқур ички кўчалардан бирини қоллайдиган даражада эди. Хуллас, қувурлар ётқизилди, устига шағал аралаш тупроқ тортилди, аммо кўчи-рилган асфальт ўрни ямалмади. Оқибатда ёгин-сочинли кунларда кўчанинг бир то-мони дала йўлидан кўпам фарқ қилмайдиган лойга айландиган бўлди.

Юқорироқ идорада «Йиллар даво-мида эътибор қаратилмаган қувурларни алмаштириш масаласи нега энди айнан асфальт босилгандан сўнг ёдингга тушди? Увол бўлган хомашёнинг ҳисоб-китобини ким жойига қўяди энди?» дейдиган мард топилмади. Йўқса, ҳудудда мана шундай телба-тескари, пойинтар-сойинтар иш ус-луби бугунга қадар сақланиб қолмаган бўларди.

Курилиш ва шаҳарсозлик қондаларига кўра, аввал коммуникация тармоқлари билан боғлиқ монтаж ишлари якунла-ниши, сўнг йўлни текислаш, асфальтлаш жараёни бошланиши керак. Бироқ бугун қурилиш-таъмирлаш жараёни кўпинча мана шундай режасиз, тартибсиз ва пой-ма-пой тарзда ташкил этилади. Бу ҳол, таъбир жоиз бўлса, шим кийишдан аввал туфлини оёққа илгандек гап.

Хизмат юзасидан катта-кичик раҳ-барларнинг сайёр қабулларида куза-тувчи сифатида қатнашимизмига тўғри келади. Ҳозирги қабулларнинг тўрт-беш йил аввалгисидан фарқли жиҳатларидан бири, кўчасини асфальт қилдириш маса-ласида мурожаат қилувчилар сони анча камайди. Чунки бугунга келиб, ички кў-чалар ҳолатига эътибор бир неча карра ўсгани рост. Ҳолбуки, 2017-2019 йил-ларда қабулларда энг кўп кўтариладиган муаммолардан бири асфальт масаласи бўлган. Шунданми, ўша йиллари Анди-жон вилояти ҳокими Шухрат Абдураҳ-монов одамлар билан деярли ҳар бир мулоқотда муаммолар босқичма-босқич ҳал бўлишини айтиб, 1 километр йўлга асфальт ётқириш учун 200 миллион сўм



сарфланишини, вилоят бўйича асфальт ётқирилиши зарур бўлган ички кўчалар-нинг умумий узунлиги эса 11 минг кило-метрга тенгчилиги таъкидлашдан чарча-мас эди. Бугун эса, айтилганидек, асфальтлашти-риш масаласи айтарли муаммо эмас. Бир-роқ асфальтни увол қилиш, сарфланган меҳнатни чиппака қиқариш ва давлат бюджетига зарар етказиш ҳолатлари учун бирор масъул шахснинг лоақал бурнига чертиб қўйилганини кўрмадик ҳам, эшит-мадик ҳам. Ҳолбуки, айни ҳолатни қарийб барча ҳудудларда учратиш мумкин. Гап муайян масалалар юзасидан фаолияти бир-бирига боғлиқ идора-лар ўртасидаги мувофиқлаштириш хусу-сида борар экан, аукционга қўйилган ер майдонлари борасида ҳам тадбиркор-лар баъзан масъулиятсиз амалдорлар касрига овораяу сарсон бўлаётганини


қайд этмасак бўлмайди.

Мана, бир мисол. Икки йил аввал Ба-лиқчи туманининг Қумтепа маҳалласи гу-зари ўрамида жойлашган ер майдони дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш бино-лари қурилиши учун «Е-йго аукцион» пор-тали орқали кимошди савдосига қўйи-лади. Савдода тадбиркор Шукрулло Хо-жиматов ғолиб бўлади. Бироқ аукцион ғолиби томонидан пул тўлаш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараё-нида зикр этилаётган ҳудудда қурилиш ишлари олиб бориш мумкин эмаслиги ху-сусидаги гап-сўзлар болалайди. Суришти-рилса, чиндан ҳам шундай: тадбиркор-нинг сўровига биноан Чинобод электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Султо-нов имзоси билан «айни жой электр тар-моқларининг муҳофаза ҳудуди ҳисобла-ниши, шу боис бино-иншоотлар барпо этиш тақиқланиши, Балиқчи тумани ер ре-сурслари ва кадастр бўлими томонидан бу ҳақда ҳеч қандай сўровнома ёки ёзма мурожаатсиз электрон аукционга қўйил-гани» ҳақида маълумотнома тақдим эти-лади.

Тадбиркор, ўз навбатида, ишга лоқайд-лик билан қараган ва ерни сотувга чиқа-ришга хулоса берган масъулларга чора кўрилишини сўраб, икки бор прокурату-рага мурожаат қилди. Аммо прокурату-ранинг «кадастр ходимларининг хатти-ҳа-ракатларида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланмаган»и хусусидаги ҳамда ад-вокатнинг ўз миқозини ҳимоя қилиб ёз-ган битикларидан кўпам фарқ қилмайдиган жавоб хатидан сўнг тадбиркор кўлни ювиб қўлтиққа урди. Унинг аукционда қат-нашиш олдида тўлаган бошланғич тўлов пулини қайтариш масаласи ҳам очик қолди.

Учала ҳолатдан ҳам кўриниб туриб-дики, бугун маҳаллий ижро органлари, жумладан, коммунал идоралар фаоли-тини ўзаро мувофиқлаштириш масаласи чиндан-да, ислохотга муҳтож. Сўз бора-ётган соҳаларда тартибли иш услубига ўтилмас ва жиддий хатолар учун муқар-рар жавобгарлик белгиланмас экан, дав-лат маблағлари ҳавога совурилаверади, тадбиркорнинг ишончига эса путур етаве-ради...

Нурилло
НУЪМОНОВ
«ISHONCH»



Ҳаёт синовлари қизиқ экан-да! Ташвишлар гир-добиди умринг сувдай оқиб кета-ётганини сезмай қолар экансан киши.

Миннатдорлик

ДАРДИМИЗНИ
АНГЛАГАНЛАРГА
ТАШАККУР

Биз ҳам тақдир си-новларидан бенасиб қолмадик. Узоқ йил-лардан бери фарзанд-сизлик муаммосидан қийналамиз. Албатта, шифокорлар кўригида бўлдик. Аммо, Ярат-ганининг иродаси, улар-нинг ҳеч бириддан на-тижа чиқмади.

Хаммасига қўл сил-таганча тушқунликка тушиб юрганимда ка-саба уюшмаларидан таклиф бўлди. «Даво-ланиш учун «Умид гул-шани» санаторийсига бепул йўлланма бера-миз», дейишди. Бу – Мустақиллик байрами муносабати билан аёл ходимларни соғлом-лаштириш бўйича эълон қилинган акция доирасидаги йўллан-малардан экан.

Жуда хурсанд бўл-дим. Зора, шу сабаб бўлса-ю, узоқ йиллик орзуимиз рўёбга чиқиб, биз ҳам фарзандли бул-сак, деган яхши ният би-лан санаторийда даво-ландик. Ҳам маданий ҳордиқ, ҳам саломат-ликни тиклаш деганла-ридек, бироз бўлса-да, ташвишлардан йи-роқлашганимиздан хур-сандман. Бунинг учун ташаббускорлардан миннатдорман!

Айтмоқчи, яна икки нафар бухоролик аёл худди шундай йўл-ланма асосида биз би-лан бирга даволаниб қайтди.

Салима АННОҚОВА
Бухоро шахри

Таълим ва фан хо-димлари касаба уюш-маси Республика кен-гаши жамоаси фило-логия фани соҳасида атоқли олим, Ўзбекис-тон Фанлар академия-сининг академиги, Ўз-бекистон Республикаси фан арбоби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураб-бийси

Наим КАРИМОВ
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюш-маси Республика кен-гаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюш-масининг Жиззах вилоя-ти, Пахтакор тумани кен-гаши раиси
Саодат ЮСУПОВА
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetolari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 03:10
Topshirildi – 03:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma G-913
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30387
14056 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.